# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 5 сентябрь, № 185 (8528) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

**Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Биринчи қўнғироқ» садолари жаранглаб, 2023/2024 ўқув йили бошланди.**





### Шукуҳ

*Болажонларга мароқли ҳордиқ, қайноқ хотиралар улашган ёз фасли ўз ўрнини сокинлик ва теранлик палласи — кузга бўшатиб берди. Қуёшнинг заррин шуълалари энди аввалгидек қиздирмайди, майин шабада юзларни оҳиста силаб, қалбга ажиб бир хотиржамлик, яхши кайфият, баланд руҳ бағишлайди.*

*Йигит-қизлар ана шундай илҳомбахш туйғулар, ёруғ умидлар билан таълим муассасалари сари ошиқади. Мактабларда устозлар меҳри, дўсту ўртоқлар соғинчи, қадрдон китоблар, шинам синфхоналар уларни ўзига чорлаб турибди.*

*“Биринчи қўнғироқ” жаранги янги ўқув йили бошланганидан дарак беради. Ғоят шукуҳли, айни пайтда юксак масъулиятли дамлар... Янги ўқув йили — ҳаётнинг янги довони, орзу-мақсадлар рўёби сари яна бир қадам ташлаш, янги имкониятлар, янги уфқлар дегани...*

*4 сентябрь куни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги 10 минг 160 та мактабда ана шундай қувонч ва ҳаяжонга тўла янги ўқув йилининг илк дарс соатлари бўлиб ўтди.*

➡ 4

Дунё нигоҳи

«Российская газета»:

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИСИ

*“Российская газета” нашрида Россия Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Халқаро иқтисодий муносабатлар тадқиқот институти директори Виктория Перская қаламига мансуб “Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси тараққиёти ва фаровонлигининг асосий иштирокчиси” сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

Унда муаллиф Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётини инсоний қадрият ғоявий-маънавий концепциясидан келиб чиқиб таҳлил қилган.

“Республиканинг янги йўналиши барқарор динамик ривожланишни таъминлашдан иборат бўлиб, буни демократик тараққиёт ва тенглик, ижтимоий адолат ҳамда ҳамжиҳатлик сиёсатини амалга оширмасдан туриб бажариб бўлмайди”, деб ёзган эксперт.

Нашрда қайд этилишича, жорий йилнинг апрель ойида янгиланган мамлакат Конституцияси инсонпарвар, демократик, жадал ўсиб бораётган, ташқи дунёга очиқ, адолатли жамоат тартибига эга жамият қуришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб, барқарор ривожланишни ва халқаро ҳамкорлик истиқболларини таъминлайди. Шу билан бирга, қулай сармоявий муҳитни равнақ топтиришга хизмат қилаётган ички бозорни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланган.

Муаллиф Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосидаги халқаро муносабатларни жипслаштиришга қаратилган ёндашувларини ҳам алоҳида урғулаган.

“Бошқача айтганда, гап минтақавий ривожланишнинг янги концепциясини шакллантириш ва ўзига хос сиёсий ҳамда ижтимоий жиҳатга эга бўлган Марказий Осиёнинг ягона геоиқтисодий маконини яратиш ҳақида бормоқда, — дея таъкидланган нашрда. — Шу тариқа Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини тинчлик, изчил тараққиёт ва минтақа аҳолиси фаровонлиги юксалиб бораётган ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди”.

Мақолада, шунингдек, айнан Ўзбекистон раҳбарияти ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий маконни яратишнинг янгиланган шаклларининг драйвери бўлаётгани маълум қилинган. Бу эса республика олдига катта мажбуриятлар юклайди, янги талабларни қўяди. Хусусан, бу ўз иқтисодиётининг барқарор ва изчил равнақини таъминлайди.

Муаллиф Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратган ва ташқи савдо ҳамда сармоявий ҳамкорликнинг ўсишини қайд этган.

“Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан стратегик шериклик муносабатларини ўрнатган ва уларнинг бир қатори билан алоқалар иттифоқчилик даражасига кўтарилган”, дейди эксперт.

Нашрда очиқ ва ишончли мулоқот майдонига айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари, минтақавий иқтисодий ривожланиш соҳасида келишилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш механизми самарадорлиги қайд этилади.

Муаллиф Ўзбекистоннинг Афғонистонни минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларга жалб қилиш борасидаги ёндашувларига ҳам эътибор қаратган.

“Минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши хавфсизлик соҳасидаги шериклик масалалари бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон бу соҳадаги устувор йўналишларни экстремизм ва терроризмнинг анъанавий таҳдидлари, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик, шунингдек, кибержиноятчиликка қарши кураш деб билади”, дейилади мақолада.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти томонидан “Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик” халқаро конференциясида таклиф этилган, жумладан, минтақада БМТ аксилтеррор бошқармаси офисини очиш, минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш учун Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари Ёшлар кенгашини чақириш, рақамли маконда терроризмга қарши курашиш учун Марказий Осиёда кибертерроризм бўйича Ягона электрон тизимни яратиш каби чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагиларни сарҳисоб қилар экан, муаллиф Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларининг ишончли шериклигини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуси БМТ томонидан қўллаб-қувватланганини ва Бош Ассамблеянинг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” махсус резолюцияси маъқулланганини алоҳида таъкидлайди.

**«Дунё» АА.**
Москва

Мушоҳада

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ЮКСАК МАДАНИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

*Охирги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо шунга қарамай бу борада ижобий ўзгаришлар кўп деб бўлмайди. Ачинарлиси, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини бузишда давом этаётир.*

Бундай шароитда баъзи мутахассис ва экспертлар жазони янада кучайтиришни таклиф қилаётир. Бироқ бу билан асосий мақсадга эришиш мушкул. Демоқчимизки, барча йўл ҳаракати қатнашчиларида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантирмасдан туриб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиб бўлмайди.

Мавжуд вазият таҳлили ҳам шунга ишора бермоқда. Ўзбекистон ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг етти ой давомида республика ҳудудида 4 772 та ЙТҲ қайд этилган. Шундан 2 453 таси ёки 51,4 фоизи субъектив сабабларга кўра юз берган, яъни ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан.

Агар ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилганида ЙТҲлар содир бўлмаслиги мумкин эди. Ачинарлиси, ўтган етти ойда Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1 115 киши вафот этган, 4 564 нафари турли тан жароҳатлари олган.

➡ 2

Биз ва жаҳон

Элчи Юй Цзюнь:

## ХИТОЙ ЯҚИН ҚЎШНИ, ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҚЛАРИДАН МАМНУН

*Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси “Дунё” АА мухбири саволларига жавоб берди.*

*Юй Цзюнь шу йилнинг 30 август куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ўзининг ишонч ёрлиқларини топшириб, мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини расман бошлаган эди.*



**— Жаноб элчи, сизни Ўзбекистондаги миссиянгиз бошланиши билан табриклаймиз ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Суҳбатни юртимиз ҳақидаги таассуротларингиздан бошласак. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёти ва салоҳиятини қандай баҳолайсиз?**

— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонни барпо этиш изчил олға сурилмоқда, сиёсат, иқтисодиёт ва жамиятдаги ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Мамлакатнинг яхлит қудрати янги босқичга кўтарилди, у янада очиқ ва ўзига ишончга эга бўлиб, тезда ривожланиш даврига кирди.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳамиша халқни ҳамма нарсадан устун қўяди, халқнинг овози ва эҳтиёжларига катта аҳамият қаратмоқда. Маъмурий самарадорлик ва бошланғич бўғинда бошқарув даражаси яхшиланяпти.

➡ 2

Қонунчилик палатаси фракцияларида

## ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ЭЪТИБОРИДА

*Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳар бир соҳа вакилларининг Ватанга меҳр ва садоқат билан уддалаётган ҳар кунлик меҳнати юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, шу маънода, Истиқлол байрами — барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон — барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқат экани алоҳида таъкидланди. Албатта, бу жараёнда парламент, хусусан, халқ вакилларининг ҳам масъулиятли ҳиссаси бор.*

Шундан келиб чиқиб, кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида даставвал ушбу дастуриламал нутқда илгари сурилган ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар манфаатларини таъминлашга оид қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросида партиялар ва унинг депутатлик корпуси олдида турган устувор вазифалар атрофлича кўриб чиқилди. Айни пайтда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама этилди.

➡ 2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

## ЎТМИШИ МУНГЛИ, БУГУНИ НУРАФШОН



***Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) тарихи музейида сақланаётган экспонатлар Қизилқум барханлари ўрнида қарийб юз миллион йил илгари Тетис денгизи мавжланганидан сўзлайди. Бу ерда сақланаётган динозаврларнинг болдир суяклари, наҳанг тишлари, тошбитиклар, кўҳна цивилизация қолдиқлари ҳудуднинг шонли ўтмишидан далолат...***

***Музей остонасини ҳатлаб ташқарига чиқаркансиз, тарих зарварақларидан янги бир оламга — буюк ўтмишдан куч олиб, янги орзулар билан юксак марралар сари интилган нурли бир манзилга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бу ажойиб шаҳар Марказий Осиёнинг йирик саноат марказларидан бири — Навоий.***







*3-саҳифага қаранг.* ➡

Элчи Юй Цзюнь:

# ХИТОЙ ЯҚИН ҚЎШНИ, ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҚЛАРИДАН МАМНУН

1 Иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигича қолмоқда, бозор ҳаётийлиги доимий равишда рағбатлантирилмоқда, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити оптималлаштирилмоқда, инфратузилма қурилиши босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда, бу Ўзбекистонга сармоя киритиш учун тобора кўпроқ хорижий компанияларни жалб қиляпти. Сўнгги йилларда аҳоли фаровонлигини таъминлашда улкан муваффақиятларга эришилди, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий таъминот соҳаларида ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, аҳолида эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиб, бошқа давлатлар билан дўстона муносабат ва ҳамкорликни ривожлантиришга, яхши қўшничиликни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муҳим ҳисса қўшмоқда. Хитой томони яқин қўшни, дўст ва ишончли ҳамкор сифатида Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқларидан чин дилдан мамнун.

Жорий йилда мамлакатингизда Конституцияга ўзгартишлар киритиш бўйича референдум ва Президент сайлови муваффақиятли ўтказилди. Бу миллий тараққиётнинг янги йўлини бошлаб берди. Яқинда "Янги Ўзбекистон — 2030" стратегияси лойиҳаси эълон қилинди. Унда мамлакатни келгусида ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ортга қайтиш йўқ, мамлакат фақат олға интилади. Хитой томони Ўзбекистон турли соҳаларда самарали ислоҳотларни амалга оширар экан, янги уйғониш — учинчи Ренессанс даврининг буюк орзусини, албатта, амалга оширишига ишонади.

**— Жаноб элчи, сизнинг вазифангиз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг истиқболларини қандай баҳолайсиз ва қайси йўналишларни алоҳида таъкидлай оласиз?**

— ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг стратегик раҳбарлигида Хитой — Ўзбекистон муносабатларида кенг қамровли стратегик шерикликнинг янги даврига қадам қўйилди. "Бир макон, бир йўл" ташаббусини ҳамкорликда амалга ошириш ишлари олдинга силжиди, кўп қиррали шерикликда самарали натижаларга эришилди.

Биз ўзбекистонлик шериклар билан давлат раҳбарларининг муҳим келишувларини амалга оширишни давом эттириш, "Бир макон, бир йўл" ташаббусини ҳаётга татбиқ қилиш ва Янги Ўзбекистон стратегиясининг чуқур интеграциялашувига кўмаклашишга тайёрмиз. Биз, шунингдек, тараққиёт имкониятларини баҳам кўриш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида шерикликни мустаҳкамлашга ҳам тайёрмиз.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, янги босқичда савдо-иқтисодий ва сармоявий муносабатларни кенгайтириш. Биз товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, энергетика, айниқса, янги энергия, "яшил" иқтисодиёт, замонавий қишлоқ хўжалиги ва камбағалликни қисқартириш каби соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш, инновация ва технологиялар, рақамли иқтисодиёт, экология, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликнинг янги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш ниятидамиз.

Иккинчидан, ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштириш, икки давлат ўртасидаги трансчегаравий юк ташиш имкониятларини очиш, инфратузилмавий ричагларни кучайтириш керак.

Учинчидан, гуманитар ҳамкорликда фаолроқ қадамлар ташлаш, таълим алмашинувини ошириш, маданий тадбирларни кўпроқ ўтказиш, туризм соҳасидаги ва маданиятлараро мулоқотни фаоллаштириш зарур.

Йил бошидан бери Хитой фаол виза сиёсатини тўлиқ тиклади ва келаётган сайёҳлар сони барқарор ўсиб бормоқда.

Май ойида Тошкентда Ўзбекистон фуқаролари учун виза олишда янада қулайроқ ва сифатли хизмат кўрсатадиган Хитой виза маркази очилди. Кейинги босқичда икки давлатнинг ваколатли органлари фуқароларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар ва янада қулайлик яратиш мақсадида виза сиёсатини босқичма-босқич оптималлаштириш масалаларини мувофиқлаштиради.

Биз минтақавий ҳамкорлик салоҳиятини ҳам ишга солишимиз керак. Яқин келажакда Хитойнинг Шэньси, Шаньдун ва Цзянсу провинцияларидан бир қанча делегациялар Ўзбекистонга келади. Сафар доирасида бизнес форуми ва бошқа тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда. Биз икки томон тадбиркорларини ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ва ҳамкорлик имкониятларини баҳам кўришга ундаймиз.

Жорий йилда Раис Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган "Бир макон, бир йўл" ташаббусининг 10 йиллиги нишонланади. Ўзбекистон ташаббуснинг фаол тарафдори ва иштирокчиси, шунингдек, ҳамкорлик самараларидан баҳраманд бўлган давлатдир. Октябрь ойида "Макон ва йўл" халқаро ҳамкорлик учинчи форуми бўлиб ўтади. Ишончим комилки, ҳар икки томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг янада кенг истиқболлари очилади ва янада самарали натижаларга эришилади.

Таъкидлаш кераккки, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси фақат Хитойнинг "соло мусиқаси" эмас, балки барча иштирокчиларнинг биргаликдаги "симфонияси"дир. Ташаббус мамлакатлар ва халқларга сезиларли фойда келтиради.

Глобал таваккалчилик ва таҳдидларга қарамай биз халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда консенсусга эришиш, ривожланиш учун куч тўплаш ва "Бир макон, бир йўл" ташаббусини амалга ошириш самарасини баҳам кўриш учун ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**— Суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги нишонланаётган дамларда бўлиб ўтмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонга ва бутун халқимизга тилакларингизни билдиришингиз мумкин.**

— Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан ўзбек томонига самимий табрикларимни билдираман. Ўзбекистон халқи мустақилликнинг ўтган ўттиз икки йили давомида миллий воқелик ва манфаатларга мос тараққиёт йўлини топиш учун тинимсиз саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Мамлакат янги қиёфа касб этиб, янги Ўзбекистонни барпо қилишдек буюк мақсадни амалга оширишга интилмоқда.

Айни пайтда Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам миллий тараққиёт ва тикланишнинг муҳим босқичида. Мамлакатимиз миллатни буюк ёшартириш сари Хитой модернизацияси йўлидан бормоқда, янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳам янги стратегик имкониятлар даврига кирмоқда. Хитой томони янги давр сари янги йўлда умумий фаровонлик ва тараққиётга биргаликда эришиш учун Ўзбекистон томони билан камарбаста бўлиб олға боришга тайёр.

Ўзбекистонга равнақ ва бойлик, халқингизга эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман! Ишонаманки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва зиёли халқи ўз меҳнати билан фаровон келажакни барпо этади ҳамда эзгу орзуларини, албатта, амалга оширади.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг атоқли намояндаси, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев шу йил 4 сентябрь куни 77 ёшида вафот этди.

Шерали Жўраев 1947 йил 12 апрелда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида туғилди. 1971 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тамомлаб, меҳнат фаолиятини "Шодлик" ашула ва рақс ансамблининг хонандаси сифатида бошлади. Кўп йиллар Андижон вилояти филармонияси, Ўзбекистон давлат филармонияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси каби ижодий ташкилотларда фаолият кўрсатиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилди.

Шерали Жўраев ўзининг ноёб истеъдоди, бетакрор овози ва юксак ижро маҳорати билан юзлаб ёрқин қўшиқлар яратиб, халқимиз ўртасида муносиб обрў-эътибор топди. Мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг кўплаб шеърий намуналарини куйга солиб, ўзбек қўшиқчилик санъатининг "олтин фонди"ни бойитишга беқиёс ҳисса қўшди.

Шерали Жўраев кўп йиллик самарали ижоди билан замонавий миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, унинг шуҳратини чет элларда кенг тарғиб этиш борасида ҳам фидойилик кўрсатди. У жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Айниқса, миллий парламентимиз депутати сифатида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида жонбозлик билан фаолият олиб борди.

Кейинги йилларда "Ватандошлар" жамоат фондининг Васийлик кенгаши раиси вазифасида самарали меҳнат қилиб, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилди.

Моҳир санъаткор ўзбек миллий қўшиқчилигида ўз ижодий мактабини яратиб, кўплаб ёш истеъдод эгаларини тарбиялади.

Шерали Жўраевнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакрор санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози Шерали Жўраевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ, О. НАЗАРБЕКОВ**

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ЮКСАК МАДАНИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

1 Бир рақамга эътибор қаратиш лозим — йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганларнинг 1 078 нафари ёки 96,7 фоизи хавфсизлик камарини тақмаган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар орқада ўтирган йўловчилар хавфсизлик камарини таққан бўлганида, олдинги ўриндиқларда ўтирган йўловчиларнинг кўпчилиги автоҳалокатда омон қолиши мумкин эди. Уларнинг сўзларига кўра, агар орқадаги йўловчилар камар тақмаган бўлса, ЙТҲ вақтида олдинги ўриндиқда ўтирган йўловчининг ҳалок бўлиш эҳтимоли беш баробар ортади.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати статистик маълумотларига кўра, ЙТҲ турлари бўйича сабаблар этиб пиёдаларни уриб юбориш, автомашиналар тўқнашуви ва бошқалар келтирилган.

Биргина Тошкент шаҳар ИИБ маълумотларида айтилишича, жорий йилнинг ўтган етти ойида пойтахтда 675 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ҳодиса оқибатида 71 киши ҳалок бўлган, 787 киши турли тан жароҳатлари олган. Бахтсиз ҳодисаларнинг энг кенг тарқалган сабаби тезликни ошириш бўлган — 199 та ҳолат. Ҳайдовчилар томонидан 90 та ҳолатда тақиқловчи светофор ишорасига эътибор берилмаган, маст ҳолатдаги ҳайдовчилар иштирокида 8 та ЙТҲ содир этилган.

Юқоридаги рақамлар йўл ҳаракати қатнашчиларининг кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Натижада бахтсиз ҳодисалар сони ортиб бормоқда.

Аслида, ҳайдовчилар уйдан чиқишлари биланоқ йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари, жумладан, хавфсизлик камарларидан фойдаланиш одатий ҳолга айланиши керак. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми даражасида жарима солишга сабаб бўлади.

Далиллар шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳайдовчилар ҳанузгача хавфсизлик камарларидан мунтазам фойдаланмайди, йўл ҳаракатининг асосий қоидаларига амал қилмайди.

2022 йил 4 апрелда "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда йўл ҳаракати қоидалари асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий қилиш — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланган.

Жорий йил 26 май куни Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида юқоридаги қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида масъул вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Таъкидланганидек, қарорда белгиланган вазифаларнинг 21 таси ижро этилган, 6 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, йўл ҳаракати қоидалари аҳоли ўртасида ҳанузгача таъсирчан ва самарали тарғиб этилмайди, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг бу борадаги маданиятини юксалтиришга қаратилган материаллар етарли даражада берилмаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда нафақат ички ишлар органлари ходимлари, балки таълим тизими, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари муҳим роль ўйнаши зарурлигига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш, ҳуқуқий онгни юксалтириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тарғиботини кучайтириш ҳар қачонгидан-да долзарбдир.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# ЁШЛАР САЙИЛГОҲИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

*Вобкент туманида аҳолининг 76 минг нафардан зиёдроғини ёшлар ташкил қилади. Улар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, мириқиб ҳордиқ чиқариши учун туман марказининг қаровсиз ётган бир гектардан зиёд майдонида кўркам боғ барпо этилиб, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.*

## Ғамхўрлик

Сайилгоҳ маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ажратилган 6 млрд. сўмдан зиёд сармоя эвазига барпо этилди. 600 тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилгани, павильонлар, миллий таомлар ошхонаси, аттракционлар, сув ҳавзаси, китоб мутолаасига мўлжалланган ўриндиқлар, хуллас, кўнгилочар маскан учун зарур барча қулайлик яратилганидан бугун вобкентликлар беҳад мамнун.

— Ўзим тумандаги ихтисослаштирилган мактабда ўқиш билан бирга, "Баркамол авлод" болалар мактаби машғулотларида ҳам қатнашаман, — дейди туман марказидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи Шаҳзод Эркинов. — Робототехника соҳаси жону дилим. Машғулотлардан кейин эса бу ерга келиб дам олишнинг завқи бошқача.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

# ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ЭЪТИБОРИДА



## Нодавлат архивлар: зарурат ва эҳтиёж қай даражада?

1 **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида фракция раҳбари А. Ҳаитов қайд этиб ўтганидек, бугун юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун истиқлол йилларида қўлга киритилган натижаларга эътибор қаратиш ўринлидир. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Йиғилишда "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан ҳужжатларни электрон архивлаш (сақлаш) хизматларини кўрсатувчи нодавлат архивларнинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талабини хабардор қилиш тартиб-таомилига ўтказишни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Фракция аъзолари лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан асосли саволларни ўртага ташлашди ва мутасаддилардан бу бўйича изоҳлар сўрашди. Қонун ташаббускорлари берилган саволлар юзасидан жавоб берар экан, ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши нодавлат архивлар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди. Чунки бугунги кунда мамлакатимиздаги нодавлат архивлар сони атиги 12 тани ташкил этади холос.

## Уч нафардан беш нафаргача тадбиркорлик субъектлари учун яна бир имконият

"Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида ҳам қизғин муҳокамадан ўтказилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда нодавлат электрон архивлар ташкил қилишни тартибга солувчи тартиб-таомилларни соддалаштириш эҳтиёжи мавжуд. Фракция аъзолари шундан келиб чиқиб ушбу қонун лойиҳасини қайта такомиллаштиришга оид ўз таклифларини айтиб ўтди.

Бугун юртимизда аҳолининг оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилмоқда. Бу, шубҳасиз, бандликни таъминлашга, пировард натижада аҳоли фаровонлигини кафолатлашга хизмат қилади.

Йиғилишда кўриб чиқилган ҳужжат — "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритишни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тадбиркорларга янада кенг имкониятлар тақдим этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, амалдаги қонунчиликка кўра юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ишчилар сонининг уч нафар этиб белгилангани оилавий тадбиркорлик субъектларига иш ҳажми ва фаолият кўламини оширишда муаммоларни юзага келтираётгани бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо қилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра оилавий тадбиркорлик субъектлари энди уч нафар эмас, балки беш нафаргача доимий ишчини ёллайди, улар билан меҳнат шартномаси тузишга ҳақли ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилади.

## Хабардор қилиш тартиб-таомилига ўтказилмоқда

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилган. Архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришилган. Миллий архив фонди халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари билан янада бойитилган.

Таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида нодавлат архивларни ташкил этиш хабардор қилиш тартиб-таомилига ўтказилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нодавлат архивлар фаолияти самарадорлигини оширишга йўл очишини қайд этдилар.

Йиғилишда муҳокамадаги қонун лойиҳаларини маромига етказиш юзасидан депутатларнинг таклиф, мулоҳазалари тингланди ва фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

## Давлат мулкини хусусийлаштириш ва муҳим жараёнлар тартиби

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари бугунги кунда нодавлат электрон архивлар ташкил этишни тартибга солувчи тартиб-таомилларни соддалаштириш зарурати мавжудлигини уқтиришди. Бинобарин, мазкур қонун лойиҳаси билан ҳужжатларни электрон архивлаш (сақлаш) хизматларини кўрсатувчи нодавлат архивларнинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талабини хабардор қилиш тартиб-таомилига ўтказишни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида ушбу лойиҳа нодавлат архивлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Кун тартибидаги яна бир муҳим масала — "Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат мулкини хусусийлаштиришни амалга ошириш тартиби, яъни хусусийлаштириш услублари, уларни танлаш мезонлари, танлов савдоларида хусусийлаштириш, музокараларга оммавий таклиф қилиш йўли билан хусусийлаштириш, рақобатга асосланган мулоқот услубида хусусийлаштириш, биржа савдоларида хусусийлаштириш каби жараёнлар тартибга солинмоқда.

Қизғин давом этган муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

## Айрим чекловлар олиб ташланяпти

**Ўзбекистон Экологик партияси фракциясида** "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритишни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳужжат билан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг амалдаги уч нафаргача доимий ишчи билан меҳнат шартномаси тузиши ва уларни ёллаши мумкинлиги ҳақидаги нормани беш нафаргача доимий ишчини ёллаши ҳақидаги янги нормага ўзгартириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида амалдаги қонунчилигимиздаги бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги чеклов чиқариб ташланмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартишлар оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, мамлакат аҳолиси ҳаёти фаровонлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Қонун лойиҳаси юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилиб, қўллаб-қувватланди.

*Йиғилишларда, шунингдек, фракциялар фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.*

**«Халқ сўзи».**

# ЎТМИШИ МУНГЛИ, БУГУНИ НУРАФШОН

Тўғри, бу ҳудудда улуғ мерос эгалари бўлган авлодлар бутун ўтмиш давомида фақат ёруғ кунларда яшамаган. Жумладан, юртимиз мустамлакага айланган замонларда зулматларга қоришиб ҳаёт кечирди. Ёвлар қўлида жисман ва руҳан эзилди, бойликлари таланди, ҳуқуқлари топталди.

Ҳатто мана шу Навоий шаҳрининг бунёд этилиши ҳам ўтган асрда рус босқинчиларининг Қизилқум бағридаги қазилма бойликларни ўзлаштириши билан бевосита боғлиқ. Шу мақсадда ҳудудга саноат кириб келди. Ўтган асрда инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган ядровий таҳдидлар, қуролланиш пойгаси саноатни кенгайтиришни тақозо этиб, ҳудудда урбанизацияни кучайтириб юборди. Шу тариқа нафақат Навоий, балки бийдай саҳрода Учқудуқ, Зарафшон каби шаҳарлар, Мурунтов, Зафаробод ва Даугузтау каби қўрғонлар пайдо бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида ушбу манзиллар ҳақида сўз юритилар экан, ҳар доим дўстлик, қардошлик инсон матонатининг ҳаётий рамзи сифатида талқин этилди. Аслида, коммунистик мафкура мана шу "инсоний фазилатлар" ортига қанчадан-қанча кирдикорларини, фитна ва уйдирмаларини, мисли кўрилмаган асоратларини яшириб келди...

Шукрки, Ватанимиз мустақилликка эришиши туфайли тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳаётга, ижтимоий аҳвол ва муносабатларга реал баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Бугун энди кимларгадир бўйин эгиб, асл ҳақиқатларни бўяб-бежаб кўрсатиш шарт эмас. Жумладан, Кармана ва карманаликлар тарихда бошдан кечирган кўргиликлар — инсон қадри таҳқирланиши, миллат генофондига таҳдидлар, айирмачилик, шовинизм, адолатсизликлар рўйирост айтиляпти.

Айниқса, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида очиқлик, ошкоралик, эркин фикр муҳити ҳукм сураётган бугунги кунда, улуғ адибимиз таъбири билан айтганда, *"Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик"* экани ҳаётда яна бир



бор ўз исботини топмоқда. Зотан, **"Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!"** деган эзгу шиорни ҳаётий маслагига айлантирган халқимизнинг ўтмиш воқеликлари моҳиятини теран англаб, улардан тўғри хулоса чиқариши кўзланган мақсадларга аниқ ва дадил қадамлар билан етиб боришига замин бўлади.

## Уран васвасаси

Айтайлик, ўтган асрнинг 50-йилларида дунё сиёсий саҳнасидаги "совуқ уруш" собиқ шўро тузумига қандай бўлмасин, йирик уран конларини топиш ва ўзлаштиришдек стратегик вазифаларни тақозо этиб, шу мақсадда бепоён Қизилқум бағри ҳам илма-тешик қилингани, уран қидирилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айнан ўшанда "Сув захирасини ахтарган геологлар Қизилқум шимолида уран топишган" деган гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин, билмадик. Билганимиз, ушбу кашфиётга қадар харитада на Учқудуқ шаҳри, на Навоий вилояти ва табиийки, на Навоий кон-металлургия комбинати бўлган.

— Ҳудудимиздан урандек қимматбаҳо маъдан қазиб олиниши йўлга қўйилгани халқнинг турмуш тарзини, моддий аҳволини яхшилаган деб ўйларсиз? Афсуски, ундай эмас. Ўша вақтда ҳудудга саноатнинг кириб келиши одамларнинг ҳаётини оғирлаштирса оғирлаштирганки, яхшиламаган, — дейди учқудуқлик меҳнат фахрийси, саксон ёшни қоралаётган Абдулла Керимбоев. — Чунки қазилма бойликнинг барчаси нафақат воҳадан, балки Ўзбекистондан ҳам бутунлай олиб чиқиб кетилган.

Ҳудудда уран қазиб олиш ишларининг очиқ усулда бориши, шаҳарга кираверишдаги уюм-уюм тупроқ тепаликлар она заминнинг чандиғигина эмас, юзлаб юртдошларимиз касаллик тарихининг жонсиз гувоҳи эди.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 50-йилларида мудраган Қизилқум бағрида собиқ империяда стратегик жиҳатдан оламшумул аҳамият ва улкан захирага эга кон ўзлаштирилиб, бор илмий салоҳият ва мавжуд моддий-техник имконият бийдай чўлга сафарбар этилди. Қизилқум ушбу қазилма бойликни қазиб олиш ва дастлабки ишлов беришда ҳарчанд қулай бўлмасин, у билан боғлиқ инфратизимни яратишда бир қатор ноқулайликларга ҳам эга эди. Боиси, темир йўл коммуникацияси ва йирик сув манбаидан 300 километр олисликда саноатни йўлга қўйиш ғоят мушкул вазифа эди. Шунинг учун янги саноат қўрғонига Зарафшон дарёси соҳилидаги Кармана ва унинг жанубидан ўтган темир йўл оралиғидаги манзил танланди.

## Кўз ёшлар ва пешона тери билан тикланган кент

— Ёзда жазирама иссиқ, қишда изғирин совуқ бўладиган бу минтақада шаҳар бунёд этишнинг ўзи бўлмасди, — дейди йўлсозлик соҳаси фахрийси Суюн Қулмонов. — Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, матонати, юксак ирода ва саботи бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Юртдошларимиз иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, тураржой бинолари, маиший объектлар, таълим ва шифо масканлари, йўлу кўприклар қурди. Мухтасар айтганда, янги кент катта машаққатлар ва пешона тери билан бунёд этилди.

Шаҳарга республикамиз раҳбарияти ташаббуси, қатъияти, миллатпарварлиги билан буюк бобомиз Алишер Навоий номи берилди. Аммо ушбу шаҳар халқимиз учун эмас, собиқ иттифоқнинг турли ўлкаларидан келган мутахассислар учун мўлжалланганди.

Шаҳар суратан кўркам кўринса-да, ундаги ҳаётни гўзал деб бўлмасди. Аҳоли туну кун иш билан банд, оғир меҳнатига яраша роҳат кўрмасди. Айниқса, саноат корхоналарида ишламаганларнинг кўпчилиги яшаш учун энг оддий шароитларга ҳам эга бўлмаган. Улар умрининг асосий қисмини пахта далаларида ўтказар, эртанги кундан умидсиз, эгатларга сочилиб яшашга мажбур эди. Бундай мураккаб шароитда аҳоли орасида турли касалликларга чалиниш, ногиронлик ортиб борарди.

Энг аламлиси, бутун республикада бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам ушбу ижтимоий муаммоларга комплекс ечим изланмас, ҳукуматнинг турли йиғилишларида бу ҳақда ҳатто лом-мим дейилмасди. Аксинча, телевидение ва радиода, матбуотда одамларнинг шодон ҳаёти ҳақида лоф уриларди. Мафкура корчалонлари оммавий ахборот воситалари, адабиёт соҳаси вакилларига кучли босим ўтказар, улар реал ҳаётдан йироқ, баландпарвоз руҳдаги, уйдирма асарлар яратишга мажбурланарди.

1985 йилда франциялик таниқли шоир Жан Дрежак ва бастакор Мишель Легран Москвада бўлиб ўтган ёшлар фестивали арафасида яратган қўшиқ мана шулардан бири эди. Ундаги *"Чексиз пахтазорлар ортида, оппоқ гўша — шаҳар намоён"* ёки *"Бахт ва тинчлик қўшиқларини жўшиб куйлар аҳли Навоий"* каби халқ ҳаётидан мутлақо йироқ, ясама ташбеҳларга тўла сатрлар қалбимизга тиғдек тегади. Чунки ушбу тасвирлар хаёлий, мазмунан ҳавойи. Ҳолбуки, ўша даврда ҳаёт қўшиқдагидан мутлақо тескари бўлган. Оппоқ пахта халқ бошига қора кунларни соларди. Одамлар бошидан мунтазам заҳар-заққум кимёвий дорилар сепиб туриладиган далаларда ишларди, чайлаларда мажруҳ ва касалманд болалар туғиларди.

Кимё заводлари, цемент заводи, иссиқлик электр станцияси каби йирик қурилиш объектларининг фаолияти биргина корхона — НКМК барқарорлигини таъминлашга қаратилган эди. Аламлиси, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириши керак бўлган ушбу йирик ишлаб чиқариш қувватларида маҳаллий кадрларга муносабат ниҳоятда салбий эди. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти тўлиқ собиқ иттифоқ марказидан тайинланар, улар Ўзбекистон раҳбариятига ҳисоб бермасди. Корхона ўз ходимларини тайёрлаш учун хориждаги олий ўқув юрти билан шартнома тузганди. Мазкур институт ўқитувчилари Ўзбекистонга келиб, талабаларни ўзлари имтиҳон қилиб саралаб оларди. Шу боис Навоий вилоятининг ўзида тоғ-кон саноати бўйича олий ўқув юрти бўлишига қарамасдан, унинг битирувчилари билим ва салоҳияти қандайлигидан қатъи назар, комбинатга қабул қилинмасди. Бошқа ташкилотлар тавсияси ёки тақдир кулиб ишга кириб қолган ишчи-ходимларни ҳам бу ерда турли таҳқирлар, камситувчи муносабат кутарди. Корхонада маҳаллий кадрларга бундай паст назар билан қараш аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди.

Бироқ илож қанча?! Навоий вилояти бутун мазмун-моҳияти билан адолатсизлик ва ёвузлик негизига қурилган салтанатнинг кичик бир бўлаги эди. Яқин-яқинларгача ҳам шаҳарда шаҳарсоз корхонанинг рухсатисиз ҳатто бир ғишт қўйиш ёки олиш ман этиларди.

## Таомдаги бир чимдим туз

Хуллас, Навоий "ёпиқ шаҳар" мақомида бўлиб, 2001 йилга қадар ўз номини олган мутафаккир бобомиз учун ҳам ёпиқлигича қолди. Бу оралиқда у яратган образлар шарафига "Фарҳод" ва "Ширин" маданият саройлари, қўрғончалар бунёд этилиб, аллақандай маъбудалар ҳайкаллари тикланди. Уруш қурбонлари хотирасига шалвираган кўринишдаги аскар ҳайкали ўрнатилди. Диққат билан назар солсангиз, уларнинг ҳеч бирида халқимизнинг миллий қиёфаси, улуғ мутафаккир бобомиз тасвирлаган қаҳрамонларга хос моҳият кўзга ташланмайди. Аксинча, маданиятлар қоришуви, мафкура билан ҳадланган қадриятлар улуғланади.

Шу ўринда тарих сохталаштирилган, маънавий қадриятлар илдизига болта урилган собиқ иттифоқ даврида бутун бир шаҳарга халқимизнинг буюк фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номини бериш нега керак бўлган, деган савол туғилади. Шубҳасиз, бунга ҳам "юқори"дан ҳукмрон мафкура манфаатлари ҳисобга олиниб рухсат берилганди. Бу, таъбир жоиз бўлса, халққа тортилаётган, одамларни бўғиб, лоҳас қиладиган масалліқларга тўла таомда бир чимдимгина туз вазифасини ўтарди, одамларнинг кўнглини айнитмаслик учун унга таъм берарди, холос. Яъни халқни алдаш, инсонларда хайрихоҳлик уйғотиш, шу аснода собиқ тоталитар тузум манфаатларига хизмат қилдириш, борини бериб, эртаю кеч ишлашига руҳлантириш учун одамлар юксак эҳтиром билан қарайдиган улуғ даҳо сиймоси танлаб олинганди.

Буюк шоир ижодини талқин этиш ҳам коммунистик мафкурага мослаштирилди. Унинг асарларида юксак бадиият, сўз латофати, умуминсоний ғоялар четда қолиб, меҳнату машаққат, миллатлараро тотувлик, йўқсил омма дарди куйлангани тарғиб қилинди. Дурдона мисралардан синфий кураш мотивлари изланди ва халққа шу асосда тақдим этилди.



— Бундай шароитда ҳақиқий олимларнинг Алишер Навоий яратган нафосат оламини холис ва ҳаққоний таҳлил этишига, тарғиб қилишига йўл қўйилмади, — дейди навоийшунос олим, филология фанлари доктори Тоҳир Хўжаев. — Қатағон машинаси тинимсиз юриб турган қўрқув салтанатида улар доимий зуғум ва таҳдид остида эди. Буюк шоир ижодига партия ғоялари призмасидан қараш, асарларининг турли қолипларга солиниши натижасида улуғ аждодимиз даҳоси тўла идрок қилинмади, у яратган гўзаллик халқ мулкига айланмади. Хуллас, одамлар Алишер Навоийдан узоқлашди. Чунки улуғ шоирга яқинлашиш уни мақтаб, кўкларга кўтариш эмас, уни идеаллаштириш ёки асарлари қаҳрамонлари номига кўчалару санъат кошоналарини қўйишгина эмас, у яратган бебаҳо дурдоналар моҳиятини англаш ва қалбларга сингдириш, ҳаёт тузугини шу асосда қуришдир.



Навоийликлар нафақат ботинан, балки зоҳиран ҳам Алишер Навоийдан айро тутилганди, десак, муболаға эмас. Чунончи, уларнинг ўша даврда буюк шоир сиймосига эҳтиром кўрсатиб, пойига гул қўйиш учун ҳам Карманага боришга мажбур бўлганликларининг ўзи ҳам кўп нарсани англатади.

Дарвоқе, бундан сал олдинроқ Ўзбекистон харитасидан Кармана номи ҳам ўчган, ҳатто навоийликлар ҳам уни "эски шаҳар" дея аташга кўникиб қолишган эди. "Эски шаҳар"нинг неча асрлик осориатиқалари, муқаддас қадамжолари оёқости қилинди. Қосим шайх мажмуаси автотураргоҳ, Деҳғароний масжиди молхонага айлантирилиб, работи Малик карвонсаройининг қоқ ўртасидан йўл солинди. Юз йил илгари пахта заводининггина чангидан азият чеккан карманаликлар энди кимё ва цемент заводларининг заҳридан нафас олишга мажбур эди. Зах ва шўр босган, катта асфальт йўллар деразасидан ҳам юқорилаб кетган пастқам уйларда истиқомат қилган карманаликлар дўстлик ва бахт қўшиғини баралла куйлашди, дея айта оламизми? Йўқ, асло! Шу ўринда мустақиллик арафасидаги илк нотинчлик айнан Навоий шаҳрида содир бўлганлигини эслаш кифоя...

## Ярим асрлик экологик жароҳатлар

Шўро мафкураси она табиат ва миллат генофондига бир қатор ноинсоний муносабатларни устомонлик билан беркитар эди. Жумладан, Навоий шаҳрини тўрт тарафдан қуршаган "Навоий азот", "Электрокимё", "Цемзавод", ГРЭС каби корхоналардан атмосферага кўтарилаётган заҳару заққум ҳудуд осмонини турфа ранг парда билан қоплаб оларди. Она табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига етказилаётган зарар яқин-яқинларгача ҳам очиқланмади.

"Атмосфера ҳавосини энг кучли ифлослантирувчи манба, яъни "Навоий азот" тўлиқ қувват билан ишлаган вақтида ҳавони ифлослайдиган 50 турдаги модданинг учдан икки қисми унинг ҳиссасига тўғри келади. Корхона 2008 йилда атмосферага 7369,18 минг тонна заҳарли моддаларни чиқарган. Корхонадан атмосферага чиқарилган заҳарли газ ва аэрозоллар атрофдаги жойларга чўкиб, бу ерда яшаётган кишилар соғлиғига, ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда... Шаҳар атрофидаги Тинчлик қўрғони ва Дўрмон қишлоғи аҳолиси орасида бу касалликка (онкологик) чалиниш анча юқори", деб ёзилади 2008 йилги илмий тадқиқотларда.

2020 йилда ярим аср давомида халқни қийнаган бу муаммога ечим топилиб, атмосферани булғаб келган "қўнғир-сариқ тутун" ўчирилди. Шу мақсадда Президентимизнинг 2017 йил 24 июлда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, учта самарадор лойиҳани муваффақиятли ижро этиш чоралари белгиланди. Натижада азот кислотаси ишлаб чиқариш бўйича эски (1965 йил) 1 ва 2-навбатлари эксплуатациядан чиқарилиб, умумий қиймати 216,6 млн. АҚШ долларига тенг ишлаб чиқариш объекти Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди.

Шунингдек, корхонада бир вақтнинг ўзида умумий қиймати 1,5 млрд. АҚШ доллари бўлган 3 та замонавий кимё комплекси ишга туширилди. Натижада акциядорлик жамиятининг энергия сарфи юқори бўлган (1964 йил) 1 ва 2-аммиак ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишдан чиқарилди.

Япониянинг "Mitsubishi Heavy Industries, Ltd", "Mitsubishi Corporation" компаниялари консорциуми ҳамкорлигида барпо этилган ушбу мажмуанинг фойдаланишга топширилиши натижасида мамлакатимиз ички бозорининг азотли ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қаноатлантирилиб, ишлаб чиқарилган карбамид маҳсулотини Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Украина ва Грузияга экспортга йўналтириш имкониятлари янада ошди.

— Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар бунёд этилиши жараёнларида уч бор корхонада бўлиб, поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг II босқичига старт берди, — дейди корхона фахрийси Толиб Саидов. — Қиймати 400 млн. АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳа корхонада поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилига 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш, электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда талаб юқори бўлган 210 млн. долларлик (йилига) маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконига эга. Энг муҳими, мана шу баҳайбат мўридан салкам 55 йил мобайнида чиқиб турган тўқ сариқ ранг тутун (маҳаллий аҳоли уни "тулки думи" деб аташарди) ушбу цехлар тўхтатилиши билан йўқ бўлди.

## Чинакам юзланиш

Мустақилликдан сўнг орадан ўн йил ўтиб, навқирон шаҳарга мажозий маънода Навоий ҳазратлари кириб келди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Боиси, шаҳарнинг қоқ марказида буюк алломага эҳтиром рамзи ўлароқ муаззам ҳайкал тикланиб, бу жой ижод аҳли талпинадиган, оила қураётган ёшлар келиб, маънавий-руҳий қувват оладиган обод масканга айланди. Бироқ шаҳар ботини Алишер Навоий ҳазратларининг улкан адабий меросига чинакам эҳтиром ва қизиқиш туйғуларидан ҳали йироқ эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилги ташрифида Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятда мутафаккир бобомиз асарларини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифи эса буюк шоир ижоди ва фаолиятига кўрсатилган нафақат улуғ эҳтиром, балки унинг сиймосида умуминсоний қадриятлар, улкан маънавий меросга юзланиш бўлди.



Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий ўзининг бетакрор асарлари билан нафақат туркий тилни умумхалқ тили даражасига кўтарди, балки унинг ижоди бошқа халқлар тилига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чунончи, улуғ шоир ҳаётлигидаёқ унинг асарлари Мовароуннаҳр чегараларидан ошиб, Эрон, Озарбайжон, Шарқий Туркистон, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларга етиб боради. Бу ҳолат, табиийки, у ерлардаги туркий халқлар тилига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Шу боис Президентимизнинг 2022 йил 29 июлдаги "Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Навоий шаҳрида туркий халқлар адиблари иштирокида "Мумтоз шеърият" халқаро фестивалини ўтказиш белгилангани барча туркий халқлар томонидан юксак мамнуният билан қабул қилинди. Шу асосда Навоий шаҳрида ушбу халқаро фестиваль кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Юртимиз навоийшунослик тадқиқотлари марказига айланиб бормоқда, — дейди академик Наим Каримов. — Бугун Алишер Навоий меросига муносабат тубдан ўзгарди. Уларга, аввало, юксак бадиият қонуниятлари асосида баҳо берилмоқда. Буюк даҳонинг асарларида илгари сурилган умуминсоний ғояларни қалбларга сингдириш, ҳаётга татбиқ қилишга урғу беріляпти.

Ҳа, кейинги йилларда Навоий вилояти ҳам суратан, ҳам сийратан буткул ўзгариб бормоқда. Вилоятда тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экологияни асраш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ҳудуд учун ноанъанавий бўлган ишлаб чиқариш қувватлари, хусусий тадбиркорлик объектлари ишга туширилмоқда. "Навоий" эркин иқтисодий зонаси имкониятлари мунтазам кенгайтириляпти. Энг муҳими, уларнинг фаолияти экологик тозалиги инобатга олинган ҳолда замонавий технологиялар, инновацион ёндашувлар асосида йўлга қўйилмоқда.

Бугунимиз инсон ва унинг қадрига муносабат тубдан ўзгарган замон. Алишер Навоий орзуларининг рўёби Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган ***"Халқимиз давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак"*** деган эзгу тамойилда ўз ифодасини топмоқда. Шу маънода, мутафаккир бобомизнинг руҳи поки чинакам ором топган бўлса, ажаб эмас. Зеро, халқ дарди билан яшаш буюк шоирнинг ҳаёт тузуги бўлгани қуйидаги байтда ҳам яққол акс этади:

***Юз жафо қилса манга***
***бир қатла фарёд айламон,***
***Элга қилса бир жафо,***
***юз қатла фарёд айларам.***

## Чин сўз — мўътабар

Бугун глобаллашган ахборот асрида онгу қалбга қаратилган таҳдидлар ҳар қачонгидан ҳам кучайиб бормоқда. Ахборот манипуляцияси шу қадар турфа кўриниш касб этмоқдаки, гоҳида уларни тарқатаётган қора кучлар найрангларига ишониб, домига тушиб қолганини ҳам билмай қолади, киши.

Ана шундай ғоявий хуружлар халқимиз узоқ йиллар давомида не-не машаққатлар, жонфидоликлар эвазига қўлга киритган буюк неъмат — истиқлолимизга қаратилаётгани киши дилига ғулғула солади. Жумладан, айрим оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлардаги материалларда халқимизни эркидан айирган, муттасил азобу уқубатларга гирифтор этган собиқ иттифоқ даврини хаспўшлаш, уни "бахт ва тинчлик қўшиқлари" жўшиб куйланган замон тарзида талқин этиш ҳолатлари учрайди. Улар замирида ўтмишни қўмсаш фироғи намоён бўлмоқдаки, бу юртдошларимизни, айниқса, ёшларни бугунги тараққиёт йўлидан чалғитиши билан хавфлидир.

Хусусан, Навоий вилояти тарихи, бу ҳудудда яшаган аҳолининг собиқ иттифоқ давридаги ҳаёти ёрқин рангларда тасвирланмоқда. Қизилқумликларнинг бахтли ҳаётини ўтмишдан эмас, бугунидан топиш учун ушбу заминга келиш, уни борича севиб, меҳр қўйган кишилар билан дилдан суҳбатлашиш, кифоя. Шундагина бу ўлка тарихи фақат қувончу шодликлардан иборат бўлмаганини, воҳанинг жафокаш аҳли бошида мустақиллик қуёши порлагандан кейингина чинакам нур балқиганини, кейинги олти-етти йилда халқ янги тараққиёт даврига қадам қўйганини яққол англайсиз.

Узоққа бормайлик, биргина Навоий шаҳрининг ўзида Гулистон, Чўтқара ва Умид қўрғони ҳамда бир қатор микромассивлар барпо этилиб, минглаб кишилар ўз бошпанасига эга бўлди. Аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 48 фоиздан 76 фоизга етказилди (жорий йил якуни билан 81, 2026 йилга бориб 87 фоизга етказиш режалаштирилган). Шундоқ биқинидан ўтган тармоқлар орқали оқиб ётган табиий газдан Конимех, Нурота туманлари, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўла бошлади. "Навоий" ЭИЗ, Навоий, Зарафшон шаҳри ҳамда Хатирчи ва Кармана туманларида кичик саноат зоналари, Халқаро логистика маркази, "Зарафшон ойна" корхонаси, Қизилқум фосфорит комплекси, "Бентонит" каби юзлаб корхоналар ишга туширилди.

Биргина жорий йилнинг январь — июль ойларида вилоятда 2537 та корхона ва ташкилот (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият бошлаганининг ўзи халқнинг бугунги кунидан розилиги, келажакка ишонч билан қараётганини намоён этади. Ижтимоий соҳадаги янгиланишларни эса санаб адоғига етиш мушкул. Сўнгги уч йилда вилоятда юрак хасталиклари билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик операциялари, буйрак трансплантацияси ўзлаштирилди.



Ҳақиқатга тик боқилган жойда адолат барқарор бўлади, дейишади. Адолатни ҳис қилган халқ эса эзгу орзулар билан, олдига юксак марраларни қўйиб, уларга интилиб яшайди. Зотан, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг *"Чин сўз — мўътабар"* деган ҳикмати замирида бугунги авлодлар учун ҳам битмас-туганмас маънолар хазинаси ва ибрат мужассам.

Мустақиллик — мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида ана шу бебаҳо неъматни кўз қорачиғидек асраш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ётади. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ




◄1 Жорий ўқув йилида 700 минг нафардан ошиқ болажонлар умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинди. Уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари топширилди.

Умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 6,5 миллиондан ортиқ ўқувчилар иштирокида ташкил этилган “Биринчи қўнғироқ” тадбирларида соҳа масъуллари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Тадбирларда фаол ўқувчилар давлатимиз мадҳияси садолари остида юртимиз байроғини кўтаришди.

Маълумот учун айтиш лозимки, умумтаълим мактабларида янги ўқув йилининг биринчи дарс соати — Мустақиллик дарслари билан бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизни тараққиётнинг янги даврига олиб чиқиш, демократик қадриятларга асосланган янги жамият қуриш, фаровон ҳаётни таъминлашда таълим тизимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган эзгу ғояси нафақат соҳага масъул ташкилотлар вакилларини, балки бутун халқимизни руҳлантириб, бир умуммиллий мақсадга — маънан ва жисмонан баркамол, замонавий билимларга эга ёш авлодни улғайтиришга сафарбар этмоқда.

Кейинги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баравар ошди. Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификати бор ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди. Натижада 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингга етди, 10 миллион сўмдан юқори ойлик олувчилар 1 мингдан ошди.

Мактаблар юкламасини камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу — аввалги йиллардагига нисбатан 15 баравар кўп.

Шу йилнинг 28 август куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилингани бежиз эмас. Бинобарин, замон шиддат билан ўзгармоқда. Таълим соҳасини ҳам давр талаблари асосида мукаммаллаштириб бориш зарур.

Шу маънода, таълим сифатини ошириш, янги мактаблар қуриш, тизимга янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўқитувчилар билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш, уларни рағбатлантиришни кенгайтириш галдаги муҳим вазифалардир.

Пойтахтимиздаги 294-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам “Биринчи қўнғироқ” тадбири кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар соҳадаги ўзгаришларни эътироф этиш билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган вазифалар ҳақида тўхталиб, таълим тизимини ислоҳ қилишда янги давр бошланганини таъкидлади.

— Масканимизда 1 минг 330 нафар ўқувчи таълим олмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Чарос Юсупова. — Янги ўқув йилида 140 нафар ўғил-қиз биринчи синфга қабул қилинди. Уларнинг кўзидаги учқун ҳар биримизнинг юрагимизга чўғ солмоқда.

Ўқув даргоҳида Мустақиллик дарслари ҳам ўзига хос руҳда ўтказилди. Ушбу дарслардан кўзланган мақсад ўқувчилар тафаккурини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш, ўзи яшаб турган маскандаги тарихий обидаларни билиш ва уларни бир-биридан фарқлаш, улардаги Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғоя асосида ташкил этилган сабоқларда 1991 йил 31 август куни Мустақиллик эълон қилиниши билан халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажагига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритгани эътироф этилди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва анъаналаримиз қайта тиклангани, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлгани қайд этилди.

Мустақиллик дарсларида ёш авлод эътибори янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислоҳотлар моҳиятига қаратилди.

Янги ўқув йили бошланадиган қутлуғ кунда Урганч шаҳридаги яна бир замонавий таълим муассасаси — Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицей илк ўқувчиларини ўз бағрига олди.

Ҳаммамизга маълум, кейинги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг 12 июнь санасида Президентимизнинг “Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва жисмоний тайёргарлигини янада ривожлантириш мақсадида Урганч шаҳрида замонавий лойиҳа асосида ҳарбий-академик лицей барпо этилди.

— Энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари ва ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланган таълим масканида ёшларнинг пухта билим олиб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини эгаллашлари учун барча шароит яратилган, — дейди лицей директори Ихтиёр Саидов. — Яна бир муҳим жиҳати, Урганч давлат университети ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ушбу лицейга илмий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида бириктирилди. Яқинда шаффоф ва адолатли ўтган танлов натижаларига кўра минглаб талабгорлар орасидан энг тажрибали, етарли малака ва тоифага эга ўқитувчилар ҳамда 150 нафар энг иқтидорли ўқувчи саралаб олинди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу лицейнинг раҳбар ва педагог ходимлари, ҳарбий хизматчилари меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ўқувчилари эса олий ўқув юртларига киришда “Темурбеклар мактаби” учун белгиланган имтиёзларга эга бўлади.

Бу даргоҳга Жалолиддин Мангуберди бобомизнинг номи берилиши бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз ва миллатимиз фахри бўлган жасур саркарданинг ҳаёти, тарихимиздаги ўчмас жасорати ёш авлодларимиз, Ватан ҳимоячилари учун ўзига хос ибрат намунаси бўлиб, уларни мардлик ва матонатга чорлаб туради.

Маълумки, мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг бир қисми ўзи хоҳлаган йўналиш бўйича олий ўқув юртига кириб, ўқишни кейинги босқичда давом эттиради. Қолганлари эса ишлаши, бирор-бир касб-ҳунар билан шуғулланиши — ҳаёт талаби.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг мактаб давридаёқ аниқ бир касб-ҳунарни пухта ўзлаштириши учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу борада республика бўйича 208 та умумий ўрта таълим муассасаси танлаб олинган бўлиб, уларда 10 ва 11-синф ўқувчилари ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар ўрганишади.

Миришкор туманидаги 1-умумтаълим мактабида янги ўқув йили муассасада ташкил этилган касб-ҳунарга ўргатиш марказининг тантанали очилиш маросими билан бошланди. Унда туман сектор раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Марказда ўқувчиларнинг 10 та касб-ҳунар ва қўшимча 2 та хорижий тилни ўрганиши учун барча шарт-шароит яратилган.

— Марказда ўқувчиларга эркак ва аёллар сартароши, чорвачилик, гулчилик, пазандачилик, тикувчилик, гиламчилик, электр монтёр ва пайвандчилик ҳамда немис ва инглиз тилларидан дарс берилади, — дейди мактаб директори Ҳалим Исоқов. — Айни пайтда ҳududдаги малакали мутахассислар билан меҳнат шартномалари тузилиб, улар марказга мураббий сифатида ишга жалб этилмоқда.

Самарқанд вилоятининг барча умумтаълим мактабларида ҳам “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Биринчи қўнғироқ” тадбирлари ўтказилди. Нарпай туманидаги 17-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси садолари остида бошланди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда ушбу мактаб битирувчилари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича 100 фоизлик натижага эришган эди. Тадбирга йиғилганлар ўқувчиларни ана шундай юқори натижани сақлаб қолган ҳолда, илм сирларини яна ҳам чуқур эгаллашга ундади.

Оқдарё туманининг Истиқлол маҳалласидаги 14-умумтаълим мактабида эса “Биринчи қўнғироқ” тадбири қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Мактабга жорий йилда 140 ўринли қўшимча янги бино қурилиши янги ўқув йили учун муносиб совға бўлди. Кеча мазкур бино фойдаланишга топширилиб, тантанали очилиш маросими ўтказилди. Иштирокчилар янги бинода яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ўқувчиларни қувончли кун билан табриклади.

Шу ўринда айтиш керакки, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном олган 2023 йилда вилоятдаги 158 та умумтаълим мактаби, 54 та мактабгача таълим ташкилоти, 14 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 6 та олийгоҳни реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жорий ўқув йили бошидан мактаб таълимини ислоҳ қилиш, жумладан, мактабда ўқувчиларга сифатли таълим бериш билан бирга, уларни иккинчи хорижий тил ва камида битта касбни ўрганишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шундан келиб чиқиб Самарқанд шаҳри, Пастдарғом ва Ургут туманидаги учтадан умумтаълим мактаблари тажриба-синов шаклида танлаб олинди, — дейди Самарқанд вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Шокир Султонов. — Ушбу учта туман ва шаҳардан ташқари қолган 13 та туман ва шаҳарда ҳам биттадан мактаб таянч сифатида танлаб олиниб, уларда ўқувчиларни иккинчи хорижий тил ҳамда касб ўрганишлари учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш ишлари олиб борилди.

Давлатимиз раҳбари 24 август куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Оқдарё туманидаги 32-умумтаълим мактабида бўлиб, бу ерда ўқувчиларга таълим бериш ва уларни касбга ўргатиш борасида қилинган ишлар, ёшларга яратилган шароитлар билан танишган, ўқитувчилар, ёзги тўгаракка келган болалар билан суҳбатлашиб, галдаги аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

782 ўқувчига мўлжалланган мазкур мактаб жорий йилда 7,5 млрд. сўм маблағ эвазига капитал таъмирланди. 22 та синфхона, спорт зали, ошхона, “STEM” лабораторияси, компьютер хоналарида замонавий шароитлар яратилган.

Эндиликда ушбу даргоҳ битирувчилари мактаб ҳудудидан чиқмаган ҳолда назарий билимларини мустаҳкамлаш баробарида тил ўрганиб, 15 хил касб-ҳунар эгаллаш орқали ҳаётга тайёр бўлиб боришади. Чунки мактабнинг бўш турган ер майдонида енгил конструкциялардан қўшимча хоналар қурилиб, 15 хил касб-ҳунар ўргатиш учун шароит яратилди. Бу ерда ўқувчилар компьютер, техник хизмат кўрсатиш, тўқувчилик, сартарошлик, косметология, кулолчилик, ўймакорликнинг илк сабоқларини ўрганмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида кейинги ўқув йилига қадар Самарқанд вилоятидаги ҳар бир туманда 10 тадан мактабда худди шундай тизим йўлга қўйилади. Шунингдек, бу борадаги Самарқанд тажрибаси бутун республикага жорий қилинади.

Навоий шаҳрининг Фаровон маҳалласидаги 22-умумтаълим мактаби янги маҳалла аҳлининг фарзандлари учун тадбиркор Абдукарим Саксоновнинг ўқув йилига муносиб туҳфаси бўлди.

Мактаб қурилишига тадбиркор томонидан 23 млрд. сўм ҳомийлик маблағи йўналтирилиб, 990 ўринли (бир сменада), беш қаватли бино янгидан тикланди. Замонавий компьютер ва ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини қаноатлантиришда барча имкониятларга эга устахоналар, 300 ўринга мўлжалланган мактаб ошхонаси, тадбирлар зали ва бошқа бир қатор қўшимча ўқув хоналари ўқувчиларга замон талаби асосида таълим олиш имконини беради.

Фаровон маҳалласи — сўнгги беш-олти йилда бунёд этилган янги массив. Бу ердаги кўп қаватли уйларнинг аксарияти тадбиркор раҳбарлик қилаётган масъулияти чекланган жамият томонидан қурилган.

— Ушбу мактаб нафақат фарзандларимиз, балки биз, ота-оналар учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги ва янги ўқув йилига ажойиб совға бўлди, — дейди маҳалла аҳли номидан Элёр Шодиев. — Албатта, ушбу мактаб туфайли эндиликда биз, ота-оналар фарзандлар тарбияси йўлида ўзаро ҳамкорлик қилиш ва янада бирлашиш имкониятига эга бўламиз.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоиз, янги ўқув йилидан Навоий вилоятининг умумтаълим тизимида 3880 та янги ўқувчи ўрни яратилиб, 21 минг 25 нафар ўғил-қиз илк бор мактаб остонасига қадам қўйди.

**«Халқ сўзи».**

Ҳ. ПАЙДОЕВ, А. МУҲАММАДОВ ва Ю. БЎРИЕВ олган суратлар.

## СЕНАТОРЛАР МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИДА ҚАТНАШДИ

*Мамлакатимиз таълим муассасаларида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида янги ўқув йили бошланганидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ чалинди. Мазкур жараёнда парламент аъзолари, жумладан, сенаторлар ҳам фаол қатнашди.*

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов иштирок этди.

— Аввало, барчани Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги билан самимий табриклайман, — деди сенатор. — Шу билан бирга, ташаббускор, мақсадли, куч ва ғайратга тўла мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб шуни айтаманки, бугун таълим тизимида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур. Ишончимиз комилки, ўқувчи-ёшларимиз тажрибали устозларидан билимни чуқур ўзлаштириб, ўз ютуқлари билан Ватан шарафини, албатта, улуғлайди.

Шундан сўнг Мустақиллик дарслари бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчиларига Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, мамлакатимизда уни янада тараққий эттириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берилди.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 4-мактабда бўлиб, ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклади.

Тадбир давомида сенатор ўқувчи ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумотлар берди. Сенатор мактабда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, буларнинг бари Ватанимиз мустақиллиги шарофатидан эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда мустақиллик шукуҳи кезиб юрган бугунги кунда ёшларимиз онгида Ватанни қадрлаш, шукроналик, меҳр-муҳаббат руҳини сингдирувчи Мустақиллик дарслари ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келиниши бежиз эмаслигини қайд этди.

* * *

Шунингдек, Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Боқиев ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Рисқул Сиддиқов пойтахтнинг Янгиҳаёт туманида жойлашган 8-мактабга ташриф буюриб, байрам тадбирларида иштирок этди.

Илк сабоқ — “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остидаги Мустақиллик дарсларида юртимизда кечаётган янгиланишлар, ёш авлодга эътибор, тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматига оид қизиқарли суҳбат ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Ботир Зарипов Бухоро вилоятидаги ўндан ортиқ мактабларда бўлиб, ўқувчи ёшлар билан учрашди. Мактабдаги шарт-шароитлар, янги ўқув йилига қилинган тайёргарликларни кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, ёшларимиз томонидан қўлга киритилган катта ғалабалар ҳамда миллий тарихимизнинг ёрқин лавҳалари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берилди.

* * *

Сенат аъзоси Гулистон Аннақиличева Нукус шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида бўлиб, Мустақиллик дарсларида иштирок этган бўлса, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Жамшид Хўжаев Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида жойлашган ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари билан учрашди.

Сенаторлар мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган ёшлар билан суҳбатлашар экан, уларнинг она Ватанга бўлган меҳри ва билимга чанқоқлигига, комилликка интилиб, эл-юртга садоқат ва фидокорона хизмат қилиш мақсади жўш ураётганига юксак баҳо берди.

Шу билан бирга, сенаторлар мустақиллик имкониятлари туфайли юз очган оламшумул ўзгаришлар, бунёдкорликлар, маҳалла, оилалардаги ободлик, осойишталик, фаровонлик, янги Ўзбекистоннинг жаҳон жамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ортаётганлигига батафсил тўхталиб ўтдилар.

Мустақиллик дарслари ёшларнинг савол-жавоблари билан қизиқарли ўтди.

* * *

Сенатор Ф. Саъдуллаева Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги вакиллари билан Урганч давлат педагогика институтида бўлиб, талабаларни Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги ва янги ўқув йили билан табриклади.

Мустақиллик дарси давомида Сенат аъзоси талабаларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, ёшларга оид давлат сиёсатининг йўналишлари, ҳар томонлама камол топиши учун ёш авлодга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан таълим-тарбияга қаратилаётган юксак эътибор, ўз навбатида, талаба-ёшлардан билим олишга интилишни, намунали хулқ-атворга эга бўлишни ва мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида фаол иштирок этишни талаб қилишини таъкидлади.

*Сенаторларнинг бу каби фаоллиги республикамизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам давом этди.*

**«Халқ сўзи».**

## Дил сўзи

# ҲАҚ СЎЗ ҚУВОНЧИ

*Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки руҳда нишонланди. Жойларда турли тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. Янги бинолар, саноат объектлари очилди. Турли танлов ва мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди.*

*“Энг улуғ, энг азиз” танлови — истиқлол байрамига бағишланган тадбирлардан бири. Ушбу танлов жорий йилда Президентимизнинг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” ғояси асосида ўтказилди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ғолиблар тантанали тақдирланди.*

*Ушбу танлов совриндорларидан айримларининг дил сўзларини ёзиб олдик.*

**Шойим БЎТАЕВ, ёзувчи ва журналист:**

— Танловнинг республика босқичига 7 та номинация бўйича юзлаб ижодий ишлар қабул қилингани унинг нуфузини кўрсатиб турибди. Ғолиблар қаторида эътироф этилишим ёқимли, албатта. Мукофотнинг давомли шодиёнаси — бу, аввало, меҳнат, ижодий изланишлар бардавомлиги. Ё уй қуриб, ё боғ яратиб, ё фарзанд тарбиялаб, ҳалол йўл орқали интилган инсон, албатта, мақсадига эришади. Кейин, энг муҳими, Ҳақ сўз қувончи. Бу қувонч жамиятга юксак манфаат етказиши билан аҳамият касб этишини ҳаётнинг ўзи исботлаган.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мукофотга тақдим қилинган ишларим чоп этилган газеталар ижодий жамоаларига, мени қўллаб-қувватлаган ижодкор дўстларимга ҳамда бу эътирофдан мамнун бўлган ўқувчи-китобхонларимга миннатдорлик билдираман.

**Назира МАМБЕТШАРИПОВА, «Ўзбекистон 24» телеканали муҳаррири:**

— Юртимизда ижод эркинлигини таъминлаш, қалам аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу танлов ҳам ижодкорларга баланд руҳ, жўшқин илҳом, янги ғоялар туҳфа этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг янги имкониятлари, соҳа ва тармоқлардаги ўзгаришлар самараси, хусусан, экологик барқарорликни таъминлаш, таълим, тиббиёт, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар меваси, “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоянинг оддий одамлар ҳаётида, ҳудудлар қиёфасида қандай акс этаётганига оид мавзудаги репортажларим эътирофини топди. Бундан жуда хурсандман.

**Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 04.05 1 2 3 4 5 6